www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 15-fevral № 20 (2901) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Маънавият

Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади.

Ислом КАРИМОВ

Янги кун янгиликлари

Жиззах

Жиззахлик санъатсевар болажонлар қурувчилардан ажойиб совға олишди. Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби янги бинога кўчиб ўтди.

«Камол» кўп тармоқли фирма бунёдкорлари 1 миллиард 557 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

— Янги бинода машғулот ва тадбирлар учун зарур шарт-шароит яратилган, — дейди мактаб директори С.Райимжонов. — Учта концерт зали, шунингдек, ўзбек халқ қўшиқчилиги, мусиқа чолғу-асбоблари, фортепиано, театр ва санъат сингари еттита йўналишда 200 боланинг шуғулланиш имкони яратилди.

Қашқадарё

Китоб туманидаги «Ҳасанов Шоҳнур Боқиевич» хусусий фирмаси икки йилдан буён сифатли пластмасса яшиклар ишлаб чиқараяпти.

Бундай яшикларга эҳтиёж юқорилиги боис, 25 минг АҚШ долларига Хитой технологияси асосида замонавий ускуналар харид қилинган эди.

Ҳозир бу ерда ўндан ортиқ маҳаллий ёшлар фойдали меҳнат билан шуғулланмоқда.

Сурхондарё

«Қумқўрғонматлуботсавдо» МЧЖ раҳбари Хўжамурод Мавлоновнинг саъй-ҳаракати билан Миллий банкнинг туман филиалидан 36,5 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиниб, Россиядан қолипли нон ва барча турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технология келтирилди. Янги цехда кунига 2100 дона қолипли нон ва 1 тоннага яқин турли пиширикдар тайёрлаш мумкин. Фаолиятини эндигина бошлаган ва саккиз нафар кишини иш билан таъминлаган янги цехда қисқа фурсатда 39,5 тонна ёки 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Сирдарё

«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Сирдарё вилояти филиали томонидан ўтган йили кичик тадбиркорлик субъектларига 4 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларида 37000 та янги иш ўрни барпо этилди.

Банк ўз маблағлари ҳисобидан вилоятдаги 122 та шахсий ва ёрдамчи, деҳқон хўжаликларига чорва молларини сотиб олиш ва қўшимча бинолар қуриш учун 211 миллион сўм ажратди. Шунингдек, хотин-қизлар орасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 1 миллиард 200 миллион сўм, сервис соҳасини равнақ топтириш учун эса 645 миллион сўм кредитлар ажратилди. Ушбу молиявий кўмак туфайли 1177 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, банк томонидан хонадонларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун 224 та оилага 880 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Хотин -қизлар билан ишлаш комиссияси йиғилиши

Инсонпарвар жамият барпо этилаётган юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги роли ортиб бормоқда. Касаба уюшмалари ҳаракатини мустаҳкамлашда ҳам аёллар фаол иштирок этаётгани эътирофга сазовор. Бугунги кунда касаба уюшма аъзоларининг 3 млн. 300 минг нафарга яқин, бошқача айтганда, 48,9 фоизини аёллар ташкил этади. Аёлларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиши, таълим ва ривожланиш, ўқиш ва етакчилик, шахснинг дахлсизлик, тенг ҳуқуқлилик каби қонуний ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Аёлни асраш – жамиятни асрашдир

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўқув марказида ўтказилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг I йиғилиши ҳам жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга бағишланди. Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Элбек Миржўраев очди. Анжуманда Ўқув марказида сабоқ олаётган Федерация кенгашига аъзо ташкилотлар ва Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари ҳам қатнашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, юртимизда аёлларга яратилаётган кенг имкониятлар, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий савод-хонлик доирасини кенгайтириш, жамиятда рўй бераётган ислоҳотларда иштирок этишлари учун етарли шарт-шароит яратиш, маданий-маърифий ва спорт ишларига жалб этиш, ёш, ишчан, ташаббускор аёл кадрлар захирасини яратишда комиссия аъзолари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Мамлакатимиз хотин-қизлари давлат ардоғида. Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан қўшиб олиб бориши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган. Аёлларимиз бугун жамиятнинг барча бўғинларида ўз иқтидори ва ташаббускорлиги билан фаол иштирок этишмоқда. Мамнуният билан айтиш жоизки, аёллар раҳбарлик қилаётган жабҳаларда меҳнат самарадорлиги, иш унумдорлиги, соғлом муҳит, ишга ва одамларнинг бир-бирига муносабатида ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Негаки, аёл ўзининг куюнчаклиги, меҳр-муҳаббати ва қатъий интизоми билан жамоа ҳурматини қозониб, жамиятга ҳам катта наф келтирмоқда. Ишончим комилки, янги сайланган мазкур комиссия хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг фаоллигини ошириш борасида тегишли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириб, нодавлат корхоналарда ишлаётган хотин-қизлар, айниқса, ёшларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, касб касалликларининг олдини олиш учун соғлом меҳнат шароитларини яратиш, иш ва ўқиш жойларида диспансеризациядан ўтказиб, турли касалликларнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратади.

Шунингдек, аёллар бандлигини таъминлаш орқали касаначиликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиб, янги иш ўринларини ташкил этиш, турли экстремистик оқимлар, ғайриқонуний одатлар (фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, ОИТС, одам савдоси) таъсирига тушиб қолишдан муҳофазалаш мақсадида тегишли давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари билан олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, аёллар ва уларнинг фарзандлари, айниқса, талаба ва ўқувчи қизларни соғломлаштириш комиссия аъзолари ва фаолларининг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси этиб Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси Мавжуда Халилова, комиссия раиси ўринбосарлари этиб Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Эътиборхон Раҳмонова ҳамда Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Маъмура Адилова, комиссиянинг масъул котиби этиб Федерация кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Мавлуда Шукурова сайланди. Федерация кенгаши раиси таклифига мувофиқ комиссиянинг барча бўғинлардаги касаба уюшма ташкилотларида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш, меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, маданият-маърифат, спорт-соғломлаштириш масалалари ҳамда тарғибот-ташвиқот ва ОАВ билан ишлаш йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлари тузилди.

Шунингдек, йиғилишда Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Зулфия Исаева ҳамда Фарғона вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муҳаббат Давлатёрова юқорида таъкидланган масалалар бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мавжуда Халилова комиссия олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, Комиссиянинг 2011 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Икром ХАСАНОВ олган суратлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг қўшма қарорига мувофиқ Фарғона шаҳрида бир кунлик «Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари ва инсон ҳуқуқлари» мавзуидаги ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

Ҳудудий семинар

Ҳамкорликда гап кўп

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунлари ва 2011 йил ижтимоий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган маърузаси йиғилишнинг асосий мавзуси бўлди.

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Мажлислар залида ўтган семинар вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилаётган «Жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги давра суҳбати билан уйғунлашиб кетди. Айнан шунга кўра, касаба уюшма етакчилари ва вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими вакиллари иштирокида ўтган тадбир ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Ҳудудий семинарни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов кириш сўзи билан очди. Маърузачи ўз сўзида касба уюшма ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга, ижтимоий шерикчилик тамойилларига ва касаба уюшма ташкилотлари фуқаролик жамияти институти сифатида етакчи куч бўлиши лозимлигига эътиборни қаратди. Жамоа шартномаларининг тузилиши ва унинг амалга оширилиши инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг муҳим бир кўринишидир.

— Президентимиз маҳаллани «Демократия дарсхонаси» дея таъкидлаганлар, — деди Акмал Саидов ўз маърузасида. — Бу гапда катта маъно бор. Чунки бугун юртимизда 11 мингга яқин маҳаллалар мавжуд бўлиб, бу йил уларда демократик асосларда сайловлар бўлиб ўтади. 100 мингдан ортиқ инсонлар сайловда ўз номзодларини қўядилар. Бу эса, ўз навбатида, касаба уюшмалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни тақозо этади.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Норматжон Аллаёров мамлакатни бошқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли табора ортиб бораётганлигини таъкидлаб, бу борада касаба уюшма ташкилотлари олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди. Касаба уюшма ташкилотларида бугун «Ёшлар кенгаши» ва Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолият юритмоқда. Келгусида, шунингдек, «Фахрийлар кенгаши»ни тузиш режалаштирилгани маълумот учун айтиб ўтилди.

Ҳудудий семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳокимликлар, вилоят прокуратураси, вилоят солиқ қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи мамлакатимизда соҳадаги пешқадам корхоналардан ҳисобланади. Биргина ўтган 2010 йили нашриёт томонидан 607 номдаги дарслик, ижтимоий-сиёсий, бадиий асар ва бошқа босма маҳсулотлар чоп этилди. Корхонада 50 га яқин газета, 15 номдаги журнал ҳам нашр қилинмоқда.

Мамлакатда биринчи

Куни кеча ўтказилган тадбирда ижодий уй томонидан олиб борилаётган ишлар юқори баҳоланиб, унга Халқаро стандартлаштириш ташкилоти — ISO нинг «Халқаро сифат менежменти — ISO 9001:2008» сифат сертификати топширилди.

— Дунё бўйлаб фаолият олиб бораётган етакчи корхоналар, ҳамкорлар ишончини қозонишда мазкур сертификат катта аҳамиятга эга, — дейди корхона директори Зоиржон Исажонов. — Муваффақиятга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ албатта. Бошқарув аппарати, босма маҳсулотларни бевосита нашрга тайёрлайдиган ижодий жамоа, умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча ходимларимиз ISO талаблари асосида малака оширдилар, хорижий мамлакатлардан келган мутахассислар томонидан синовлардан ўтказилиб сертификатлар билан тақдирландилар. Ишлаб чиқаришга сўнгги русумдаги замонавий техникалар, сифатли қоғоз ва матбаа хом ашёлари жалб қилинди. Нашриётимиз томонидан кейинги йилларда ишлаб чиқарилган «Ўзбекистон юксалиш йўлида», «Самарқанд», «Тошкент — 2200», «Навоий — саҳро бағридаги мўъжиза шаҳар», «Замонавий Ўзбекистон миниатюраси», «Ўзбек халқ амалий безак санъати» каби рангли албомларимиз сифати юқори баҳоланди.

Шу кунгача республикамиздаги 427 корхона халқаро стандартлаштириш ташкилотининг сифат сертификатини қўлга киритган. Уларнинг маҳсулотларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан бир қаторда барча халқаро талабларга жавоб бериши ҳақидаги ISO стандартлари ҳам туширилади.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ноширлик соҳасида мамлакатимизда биринчи бўлиб бундай мақомга эришди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Азиз муштарий!



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг фаолияти билан боғлиқ турли ҳужжатлар ва янгиликлар, мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни амалиётга татбиқ этиш ва такомиллаштириш борасидаги фаолияти сизни қизиқтиришига ишонамиз.

Кўп сонли юртдошларимизнинг хоҳиш-истакларига биноан нуфузли жамоат ташкилотининг ҳаётига доир янгиликлар эндиликда тезкор равишда http://sfp.uz веб-сайтига жойлаштирилмоқда.

Веб-сайтга ташриф буюринг ва жараёндан доимий равишда хабардор бўлинг.

Таҳририятга ҳар куни ўқувчиларимиздан даста-даста мактублар келади. Уларни бир-бир варақлар экамиз, газетамизда чоп этилаётган мақолалар юзасидан билдирилган илиқ муносабат ёки бирор-бир мавзуни ёритиш борасидаги таклиф, қолаверса, олим-мутахассисларнинг долзарб масалалар таҳлилига бағишланган мақолалари, шоиру ёзувчиларнинг ижод намуналари билан танишиш имконига эга бўламиз.

«Ishonch» хатқутисида

Ўтган ҳафтада муштарийлардан 27 та хат ва мақола олдик. Уларнинг асосий қисмини газетхонларнинг куюнчак мулоҳазалари, юртимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги жамоатчи мухбирларимизнинг хабар ва мақолалари, бадиий ижод намуналари ташкил этди.

Айтиш жоизки, биз учун мухлисларимизнинг ҳар бир фикри қадрли. Газетамизни қизиқарли ва жонли мулоҳазалар билан бойитишда, оддий ўқувчиларимизнинг эркин минбарига айлантиришда таҳририятимизга йўлланган мактублардан унумли фойдаланаяпмиз. Хат муаллифларига севимли нашрларига бепарво эмаслиги учун миннатдорлик билдирган ҳолда бу борадаги ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига умид қилиб қоламиз.

Касаба уюшма тадбири

Долзарб вазифаларга бағишланди

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан Асака шаҳрида бир кунлик ҳудудий ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятидаги туман ва шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари раислари иштирок этишди.

Семинар Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш консепцияси» ҳамда 2010 йилда Республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил ижтимоий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишлаб ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузаси, ЎзКУФнинг V Қурултойи ҳамда Федерация кенгаши II мажлиси қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмаларининг ўрни тўғрисидаги масалаларни ўрганишга бағишланди. Йиғилишда юртимизни янада обод гўшага айлантириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам ўз ўрни борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳудудий семинарда тармоқ Марказий кенгашининг бўлим мудири Т.Ниёзов, Асака туман кенгаши раиси Ҳ.Аҳмедов, Наманган шаҳар вакили З.Ҳожиматова, Фарғона вилоят кенгаши раиси Р.Мусаев, Андижон вилоят кенгаши раиси Ғ.Содиқовлар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Семинар якунида иштирокчилар «Асакадон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшма қўмитаси иши билан яқиндан танишдилар.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Анжуман

Жойларда Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган йиғилишдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётнинг муҳим омилидир» ҳамда 2011 йил 21 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзуларидаги маърузаларини ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш юзасидан анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон ва дунё

Айтиш мумкинки, Президентимизнинг мазкур маърузаларида мамлакатимизнинг бугунги аҳволи, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, тараққиёти ва келгусида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалари очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган.

Яқинда Қибрай туман ҳокимиятида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда Президентимиз маърузалари мазмун-моҳиятини туман аҳолисига, ҳар бир хонадонга, ҳар бир фуқарога етказиш бирламчи масала сифатида қўйилди. Йиғилишга сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчи ва мураббийлар таклиф этилди. Анжуманда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков маъруза қилди. Маърузачи Ўзбекистоннинг дунё тамаддунида тутган мавқеи, қатор давлатларда кечаётган бўҳронлар, дунёда тинчликни сақлаб қолиш юзасидан Ўзбекистоннинг қатъий позицияси хусусида қимматли маълумотларни келтириб ўтди.

Фозил МАМАШАРИПОВ,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

Ҳамкорлик

Корхона нуфузи ортмоқда

галдаги изланишлар янги иш ўринлари яратишга қаратилган

Ёшлар иқтидорини ҳисобга олиш, уларни эркин меҳнатга жалб қилиш ва бу йўлда инновацион технологияларни имкон қадар кўпроқ юртимизга олиб кириш ўз самарасини кўрсатаётир.

Навоий шаҳридаги«Бахт-Текстил» МЧЖ қўшма корхонаси бундан қарийб 5 йил олдин 80 нафар йигит-қиз иштирокида фаолиятини бошлаган эди. Швейцария ва Германияда ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳ, технологик мосламалар туфайли тезда қаддини тиклаб олган корхонага айни пайтда Лихтенштейн диёрининг таниқли савдо компанияси ишончли ҳамкор бўлиб келмоқда.

— Пахта толасидан олинаётган сифатли толаларга ички бозорда ҳам эҳтиёж катта, — дейди бош директор вазифасини бажарувчи Шамсиддин Шаропов. — Аммо хом ашёни эркин валюта ҳисобида олаётганимиз боис, тайёр маҳсулотларни Россия, Туркия, Хитой каби мамлакатларга экспорт қиляпмиз. 2010 йилда корхонада фаолият кўламини кенгайтириш ҳисобига 70 та қўшимча иш ўрни яратилган бўлиб, бугунги кунда ишчи-ходим сони 520 нафарни ташкил этади. Агар хом ашё таъминотига доир мавжуд муаммоларни ҳал этсак, яқин кунларда яна 50 нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлади.

Ўтган йили 5300 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди ва экспорт қилинди. Бу 5.600 минг АҚШ доллари корхонамиз, мамлакатимиз ҳисобига келиб тушди деганидир. Сармоялар чет элники бўлса-да, орамизда катта ишонч юзага келган.

Бир маромда ишлаётган цехларда шовқин ва чанг-ғуборлар ниҳоятда камлиги эътиборимизни тортди. Чангютгич мосламалар фаолияти ўта самарадор. Йигит ва қизлар учун алоҳида кийиниш, ювиниш хоналари, кенг ва шинам ошхона хизмат қилмоқда. Корхона томонидан бепул овқат, шунингдек, сут маҳсулотлари муттасил бериб борилмоқда. Ойлик маошдан ташқари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш изчил йўлга қўйилган. Бу эса ишчи ва ходимларнинг ўз корхоналари билан ҳақли равишда фахрланишларига асос бўлаётир.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Мулоқот

Ўзаро фикр алмашув

ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди

Кейинги вақтда «Ishonch» ҳамда «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий ходимларининг ЎзКУФК тасарруфидаги ташкилотлар вакиллари билан учрашувлари анъанага айланиб бормоқда. Бу ҳол ҳар икки томон учун ҳамкорликнинг янги уфқларини очмоқда.

Мана шундай давра суҳбати Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси санаторийларининг бошқарув раислари ҳамда директорлари иштирокида бўлиб ўтди.

Учрашувда газета бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин Рихсиев таҳририят режаси, амалга оширилаётган ишлар ҳамда газета бўлимларининг иш фаолияти билан меҳмонларни таништирди. Газетанинг русча нашри бўйича бош муҳаррир ўринбосари Довуд Мадиев ижодкорларнинг изланишлари, газетани янада ўқимишли қилиш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўз навбатида меҳмонлар газета мазмун-мундарижасини янада кенгайтириш ва ўқимишлилигини ошириш юзасидан бир қатор таклифларни ўртага ташладилар.

Шухрат Собиров, «Хонқа» санаторийси бош шифокори:

— Анчадан буён таҳририят билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Турли хил эълонлар муттасил бериб бориляпти. Шу ўринда яна бир таклиф билдирмоқчи эдим. Санаторийлардаги оддий ҳамширалар ҳақида ҳам мақолалар бериб борилса, айни муддао бўларди. Бизда узоқ йиллардан буён тажрибали тиббиёт ходими Галина Пак ишлаб келмоқда. Дам олувчиларнинг аксарияти ундан миннатдор. Тўғри, биз уни моддий жиҳатдан рағбатлантириб бораяпмиз. Лекин шундай инсонлар ҳақида мақола чоп этилса, бу маънавий рағбат вазифасини ўтаган бўларди.

Ўрмонбек Тўлаганов, «Оқтош» санаторийси бош шифокори:

— Кейинги вақтда даволанувчилар ўртасида маънавият ва маърифат ишларига катта аҳамият бериб келяпмиз. «Маънавият ва маърифат» хонаси доимо ўқувчилар билан гавжум. Таҳририят ижодий ходимлари санаториймизга тез-тез ташриф буюриб, дам олувчилар билан давра суҳбатлари ўтказиб туришса, ўйлайманки, бу ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди.

Икром Раҳимов, «Қашқадарё соҳили» санаторийси бош шифокори:

— «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг мухлисиман. Кейинги вақтга келиб газеталарнинг ўқимишлилиги анча ошди. «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни остида берилаётган мақолалар оммабоп нашр сифатида газеталарнинг нуфузини оширмоқда. Шу ўринда менда бир таклиф бор: Газета жаҳон воқеалари, янгиликлар билан ҳам қизиқарлидир. Мухбирлар ана шу масалага кўпроқ эътибор қаратишса, айни муддао бўларди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Имконият

Хайрли ташаббус

Шу кунларда Шофиркон туманидаги 4-умумтаълим мактаби жамоасининг юмушлари кўпайиб қолган. Дарс жараёнининг юқори савияда ўтишини таъминлаш баробарида мактаб ҳудудидаги 3 гектар майдонни эгаллаган ерда 370 тупдан ортиқ кўчатларни парвариш қилиш, бўш майдонларга мевали кўчатлар ўтказиш, эртанги сабзавот экиладиган ерга чиритилган маҳаллий ўғит киритиш, сув йўлларини тартибга келтириш каби ишларга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Ўқув даргоҳимизда 1152 нафар ўғил-қиз таълим олади, — дейди мактаб директори Исоқ Толибов. — Имкониятдан фойдаланиб ер участкамизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга зўр беряпмиз. Дарвоқе, феврал ойида вилоятда ўтказиладиган «Энг намунали муассаса боғи» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиш ниятимиз ҳам бор.

Бундай саъй-ҳаракатлар нафақат мазкур маскан, балки вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига ҳам хос.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ижроия қўмитаси ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг қарорлари ижросини таъминлаш, ташкилотларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини янада ривожлантириш, Мустақилликнинг 20 йиллигига муносиб ҳозирлик кўриш мақсадида «Энг намунали муассаса боғи» ҳамда «Энг намунали сабзавот, полиз майдони» кўрик-танловини ташкил этдик, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Райҳон Носирова. — Кўрик-танловда тасарруфимиздаги барча ўқув муассасалари иштирок этади. Унинг биринчи босқичи туман, шаҳар миқёсида 1 февралдан 15 февралгача, иккинчи босқичи эса вилоят миқёсида 20 февралдан 1 мартгача ўтказилади. Ғолибларни қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Шеробод тумани қишлоқларининг бир қисми Қўҳитанг тизма тоғларига туташган. Туман аҳолисининг асосий қисми яшайдиган Заработ, Пошхўрт, Вандоб, Шержон, Қорабоғ, Шалқон, Кампиртепа сингари ўнлаб тоғ қишлоқларида текис ва равон йўллар барпо этиш азалдан халқнинг ушалмас орзуси бўлиб келган. Чунки, тоғ ва адирликларда қиш ва баҳор ойларида нисбатан кўп ёғадиган қор, ёмғир туфайли пастга энадиган сел сувлари қир, адирлик ва даралар орасидан ўтган асфалт йўлларни, қишлоқ ва гузарларни бир-бирига боғлайдиган кўчаларни яроқсиз, таъмирталаб кўринишга келтириши одатий бир ҳол. Бундан 18-20 йил илгари, айниқса, туман маркази билан Пошхўрт, Заработ, Қорабоғ қишлоқларини туташтирадиган асфалт йўлдан техникалар ўтолмай қолар, Шеробод дарёси сел, тошқин сувлари ҳисобига тошиб, йўлнинг катта қисмини ойлаб сув босиб ётарди.

Ишлоҳот одимлари

Кўприк қуриб, йўл барпо этаётганлар

Мустақиллик йилларида Шеробод туманида ҳам йўллар барпо этишга эътибор кучайди. Айниқса, тоғ қишлоқларидаги йўлларни равонлаштириш, асфалтлаштириш ва сел сувлари босадиган қисмларида кўприклар барпо этишга катта маблағ сарфланиб, кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Яқинда Шеробод тумани марказидан Пошхўрт, Заработ қишлоқлари томон отландик. Йўл равонлиги — юрт ободлиги, эл фаровонлигидан нишона. 70-80 километр олисдаги қишлоқларга «Дамас» микроавтобусида нари борса бир соат, бир соату йигирма дақиқада етасиз. Қуёш нурида қора тасмадек ялтираб, кўзни қамаштирувчи асфалт йўлнинг нафақат кенглиги, балки текислиги баҳри дилингизни очади.

«Заработ» катта асфалт йўлининг бир пайтлар сув босадиган қисмларида кўприклар барпо этилибди, сув ўтказгич қувурлар тортилибди. Тоғ қишлоқларидаги бу ўзгаришлардан қувониб, маҳаллий аҳолидан шинам йўлларни барпо этган бунёдкорларни суриштирдик. Суҳбатлардан аёнлашдики, нафақат тоғ қишлоқларига элтадиган катта-кичик йўллар, балки туман ҳудудидаги барча йўлларни равонлаштириш ва кенгайтиришга масъул корхона — Шеробод туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси экан. 168 нафар ишчи-хизматчи ва мутахассис меҳнат қилаётган аҳил жамоага Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати Нортожи Абдулаҳатов раҳбарлик қилмоқда.

36 йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келаётган Нортожи ака иш фаолиятини оддий мутахассисликдан бошлаган. Йиллар давомида тажриба тўплади, меҳнатсеварлиги, ишчанлиги билан бошқаларга ўрнак бўлди, одамлар билан ишлаш санъатини пухта ўзлаштирди. Қарийб ўн йилдирки, катта жамоага раҳбар. Йўлсозлар ҳар йили янги йўллар барпо этиш ва кенг кўламли таъмирлаш юмушларини бажариб келишаяпти. Корхона ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари асосан Тошкент-Термиз автомагистралининг М-39 километридаги халқаро аҳамиятдаги 46 километр, давлат аҳамиятидаги 170 километр, маҳаллий аҳамиятга молик 124 километр, жами 340 километр автомобил йўлларини текис-равон сақлаш ва таъмирлаш билан машғул.

Ўтган йили жамоа аъзолари 3 миллиард сўмлик таъмирлаш, созлаш ва қуриш ишларини уддалашди. Катта ҳажмдаги кўприк, 2 та автопавилон қурилиши ҳам уддаланди. 2 километр атрофида пиёдалар учун йўлак барпо этилди ҳамда бир километрдан зиёд узунликда лотоклар қўйилди.

Йўлсозларнинг йўл қуриш ва таъмирлаш ишларини сифатли ҳамда тезкор бажариши бевосита техникага боғлиқ. Корхона тасарруфида 70 дан ортиқ автотгрейдер, булдозер, экскаватор, юклагич, кўтаргич, самосвал ва бошқа техникалар мавжуд. Муҳандис-техник ходимлар, ҳайдовчилар уларнинг умрини узайтириш ва ҳар бир техника қувватидан унумли фойдаланиш чораларини кўришмоқда.

Корхонада мавжуд техникани авайлаб-асраб ишлатиш билан бирга даромаддан ва лизингга янги техника харид қилиниб, моддий-техника база мустаҳкамланиб борилаётир. 2009 йили 3 та «КамАЗ» автомашина олинган бўлса, ўтган йили грейдер ва экскаватор харид қилинди. Техникаларнинг узоқ вақт таъмирсиз ва тўхтовсиз ишлаши, белгиланган ишларни тезкор, сифатли адо этишда автогрейдер бошқарувчилари Ҳасан Тошниёзов, Холчори Азимов, ҳайдовчи Чори Қултўраевнинг хизмати катта. Жамоанинг ютуғида Очил Азимов, Ҳасан Менглиев, Собир Норбоев, Ўрозали Менглиев сингари соҳа мутахассисларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти илғорларни рағбатлантириш, моддий манфаатдорлигини оширишга муҳим масала сифатида қарашади. Меҳнат илғорларига чорак якунига кўра мукофот ажратиш йўлга қўйилган бўлиб, ишчи-хизматчилар иш стажи бўйича ҳам қўшимча даромадга эга бўлишаяпти.

Йўлсозларнинг кенг ҳажмли ишларни тез, сифатли адо этишида корхона тасарруфидаги асфальт тайёрлаш цехининг ўрни алоҳида. Шероободдаги йўлсоз корхонасининг ўз асфалт тайёрлаш цехи борлиги ва бу ерда Германия технологияси асосида соатига 70-80 тонна сифатли хомашё тайёрланаётгани жамоа қураётган йўлларнинг замон талабига мос бўлишини таъминлаётир. 25 нафар асфальт тайёрловчи мутахассис жамланган цехга тажрибали ва ишбилармон Каромат Муҳаммадиев раҳбар. Корхона маъмуриятининг саъй-ҳаракати билан хомашё ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида ўтган йил Жанубий Кореядан лойиҳа қиймати 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги янги технология олиб келинди. 2010 йилнинг сентябр ойида бу ерда модернизация жараёни бошланди ва жорий йилнинг биринчи чорагига бориб янги асбоб-ускуналарни ўрнатиш тўлиқ якунланади. Модернизация туфайли цехда соатига яна 100 тонна сифатли асфалт тайёрлаш имкони юзага келади ва 15 нафар янги иш ўрни яратилади.

Кўприк қуриш, йўл барпо этишдек савоб ишни амалга ошираётган аҳил жамоа жорий йилда ҳам улкан режа, катта мақсадларни кўзлаб меҳнат қилаётир.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Орамиздаги одамлар

Ўз касбининг фидойиси

Кундалик ҳаётимизда кўплаб муаммоларга дуч келамиз. Баъзи чигал масалалар олдида ожиз қоламиз. Беихтиёр шу соҳа мутахассисларига мурожаат қилишга тўғри келади. Шунда қилни қирқ ёрадиган, ўз ишининг фидойиси бўлган ҳуқуқ билимдонлари — адвокатлар жонимизга оро киради.

Улуғнор туманида фаолият юритаётган «Комил» фирмаси бугунги кунда мушкулларни осон қиладиган гўшага айланган. Чунки, бу ерда ўз касбининг билимдони Комилжон Гозиев меҳнат қилади.

— Ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш, тегишли маслаҳатлар олиш учун Комилжон акага кўп марта мурожаат қилганман, — дейди Балиқчи туман шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси М.Қўлдошев. — Ва, албатта, инсон тақдирини ҳал қиладиган масалаларга одилона баҳо беришининг гувоҳи бўлганман.

Комилжон ака раҳбарлигидаги адвокатлик фирмасига нафақат Улуғнор тумани, балки вилоятнинг бошқа жойларидан ҳам турли соҳа вакиллари, ташкилот, корхона, хўжалик раҳбарлари ҳуқуқий маслаҳат сўраб, мурожаат қилишади.

— Хўжалигимиз молиявий фаолияти тафтиш қилинганда бир қатор камчиликлар аниқланиб, тафтиш якуни маъмурий идораларга чиқарилди, — дейди Бўз туманидаги «Нуриддинбой» фермер хўжалиги раҳбари Анваржон Нуриддинов. — Шунда ҳамкасбларимдан Комилжон ака ҳақида эшитиб, у кишига мурожаат қилдим. Оқибатда, тафтиш, тергов даврида йўл қўйилган хато ва камчиликлар аниқланиб, суд даврида бартараф қилинди. Тегишли маблағлар қайтарилиши билан бирга хўжалигимиз ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

— Ўз касбини севган инсон учун иши ҳеч қачон зерикарли бўлмайди, — дейди Комилжон ака. — Халқнинг кўнглида адолатга ишонч уйғотиш, кундалик ҳаётда қонун устуворлиги учун масъулиятни ҳис қилиб яшаш касбимнинг энг муҳим томонидир.

Абдуносир ҚЎЧҚОРОВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи мухбири

Яхшилар ёди

Фидойи ва жонкуяр раҳбар Фотимахон Тўхтапўлатованинг эл-юртга қилган хизмати, одамларга кўрсатган яхшилиги кўпчиликнинг юрагида ёрқин хотира сифатида сақланиб қолди.

Баҳор биздан сизни сўроқлар

Фотимахон 1951 йилда Пахтачи туманининг ҳозирги «Сотиболди» маҳалласида таваллуд топди. Деҳқон оиласида улғайган қиз ўрта мактабни битиргач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатгач, тумандаги 12-ўрта мактабда математика фанидан дарс бера бошлади. Интилувчан ва ташкилотчи ўқитувчининг иши аҳил жамоада тезда кўзга ташланди. Шу боис у 1973 йилда тумандаги 18-мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, кейинчалик директор вазифасида фаолият юритди.

1976 йилда Фотимахон опанинг ҳаётида янги саҳифа очилди. Уни тумандаги 20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган «Мисит» қишлоқ кенгаши ижроий қўмитаси раиси этиб тайинлашди. Бу вазифада 20 йил ишлади. Қишлоқларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хонадонларни тоза ичимлик суви, газ билан таъминлаш, кўчаларни асфалтлаш, гузарларга чирой бағишлашда тиниб-тинчимас раҳбарнинг ўрни доимо сезилиб турди. Бу каби эзгуликлар халқчил раҳбарга кўпнинг дуоси-ю ишончини ҳадя этди.

1996-2000 йилларда Ф.Тўхтапўлатова Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Пахтачи туман қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатди. Бу даврда у бор кучини туман меҳнаткашлари оғирини енгил қилишга, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга, спорт ва соғломлаштириш ишларини тубдан яхшилашга бағишлади. Тумандаги «Хумор» сиҳатгоҳининг қайта таъмирланиши ва тўла қувват билан иш бошлашида етакчининг жонкуярлиги катта ўрин тутди.

Эл ишончи — инсон учун чинакам бахт. 2000 йилга келиб, Фотима Тўхтапўлатова зиммасига янада масъулиятли вазифа юкланди. У тумандаги қолоқликка юз тутиб қолган, режалари сурункали уддаланмай келаётган Абдуазиз Аллаёров номидаги хўжаликка раҳбар қилиб тайинланди. Енг шимариб ишга киришган раис даставвал деҳқонга қанот бўлган техникаларни қайтадан таъмирлатишга эътибор қаратди. Дастлабки икки йилда хўжаликка 23 та чопиқ трактори, 3 та ҳайдов трактори ва 1 та «Класс» дон ўриш комбайни сотиб олинди. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув йўлларини равонлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Аҳоли сафарбарлиги оширилиб, ерга ишлов беришда маҳаллий ўғитлардан кенг кўламда фойдаланишга киришилди. Натижада 2004 йил охирига келиб қарздорлик батамом тугатилди. Деҳқонлар яхшигина даромад қила бошладилар. Ўша даврдан буён хўжалик нафақат туманда, балки вилоятда ҳар йили пахта, пилла ва ғалла топшириш режасини биринчилардан бўлиб ошиғи билан бажариб келаётир.

* * *

...Сим-сим ёғаётган ёмғир ҳали-бери тинадиганга ўхшамасди. Қуёш ҳам аза тутаётгандек юзини уфқ-қача туташган қорамтир булутлар ортига яширган. Ҳокимият биноси ёнига келиб тўхтаган «УАЗ» машинаси эътиборимизни тортди. Ахир, бу кейинги ўн йил мобайнида опани далама-дала, яқин ва узоқ манзиллар сари бошлаб юрган улов эди-да. Машинага ўтирар эканмиз, беихтиёр фидойи инсоннинг руҳи бизга ҳамроҳлик қилаётгандек туюлди.

Абдуазиз Аллаёров номидаги муқобил МТП хўжалигининг далалари томон йўл олдик. Ҳавонинг тафти паст бўлгани билан дала ишлари бошлаб юборилибди. Фермер хўжаликлари ҳудудида сув йўллари қазилиб, маҳаллий ўғитлар пайкаллар бошига тўпланмоқда. Ниш урган ғалла майсазорларидаги баҳорий яшиллик яшариш ва янгиланиш завқидан дарак беради.

— Опа менга бамисоли онамдек бўлиб қолганди, — дея гап бошлайди ҳайдовчи Бахтиёржон Мустафоев. — Хўжаликда 13 та бригада бўлса, эрталаб соат 5 дан то кечки 9 ларгача барча экин майдонлари ривожини биргаликда кўздан кечириб қайтардик. Фаолларни оёққа турғазишда у киши таҳлилларга суяниб иш кўрарди. Ғалла ўрими, пахта йиғим-терими мавсумида кечгача дала кезиб, уйга қайтмасдан, бирор шийпондами ёки пайкал бошида икки соат мизғиб олиб яна ишга шўнғирди. Мавсум тугаса, бир мириқиб дам олишини айтарди-ю, аммо кейинчалик эсидан чиқарди. 36 йил тинимсиз раҳбарлик қилиб, атиги 6 ёки 7 маротаба меҳнат таътилига чиққанини ўз оғзидан эшитганман.

Суҳбатимиз Фотимахон Тўхтапўлатова ҳақида эканини эшитгач, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Замира Қувонованинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб гап бошлади:

— Туман хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган «Раҳбар аёллар» ишчи гуруҳига раҳматли опа кўп йиллар раҳбарлик қилди. У кишига суяниб ишлашга ўрганган эдим. Бирор спартакиада ёки аёллар ўртасида кўрик-танлов ўтказмоқчи бўлсак, энг аввало, у киши билан маслаҳатлашардим. «Қовун сайли», «Нон сайли» каби оммавий тадбирларда ҳомийликни қўлдан бермас эди. Оилада ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида ҳам тажрибаси бизга асқотарди. Бир куни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Дастури бўйича маслаҳат олмоқчи бўлиб, қўл телефонига қўнғироқ қилсам, шифохонада даволанаётган экан. Шундай бўлса ҳам узоқ гаплашдилар. «Бу йил тадбиркорларнинг гали келди. Насиб бўлса, ҳар бир қишлоққа кириб борамиз. Машинани ўйламанг. Фаол ва тадбиркорликка қизиқувчи хотин-қизларга далда бўламиз. Уларга паррандачилик, асаларичилик, касаначиликнинг афзалликларини тушунтириш керак», дея менга анча далда берди. Яна Халқаро хотин-қизлар кунига бу гал ўзгача тайёргарлик кўриш бўйича таклифини айтди. Мана, энди баҳор тобора яқинлашаяпти-ю, у киши бўлса орамизда йўқ.

Начора, ҳаёт қонунияти шундай. Лекин халқпарвар раҳбарнинг бошлаган эзгу ишлари давом этишига чин дилдан ишонамиз. Давлатимиз томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда 15 йиллиги муносабати билан таъсис этилган кўкрак нишонлари ҳамда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган Фотима Тўхтапўлатованинг жўшқин ҳаёти ва фаолияти барча учун ибрат бўлгулик.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Мудҳиш иллат

Иймони суст инсон ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайдиган бўлиб қолади. Маънавияти тўкис бўлмаган шундай кишилар турли жиноятларга қўл уриши, ҳатто пул учун кишиларни «замонавий қуллик»ка солишгача бориб етиши мумкин. Афсуски, жамиятимизда бундай кимсалар оз бўлса-да, учраб турибди.

Огоҳ ва ҳушёр бўлайлик!



Одам савдоси — инсон қадр-қимматини топтайдиган, соғлиғи ва ҳаётига раҳна соладиган трансмиллий жиноятдир. Инсонийятни ушбу балодан ҳимоя қилиш мақсадида дунё бўйича турли қонунлар қабул қилиниб, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, юртимизда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, бундай жиноятдан жабр кўрганлар ёки шундай жиноят содир бўлаётганига гувоҳ бўлганлар учун «Ишонч телефонлари» ишлаб турибди.

Мазкур жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Мўмай даромад илинжида эркаклар оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда. Аёллар эса худди чўри каби ишлатилмоқда. Энг фожиалиси, улар жинсий эксплуатация қилинмоқда.

Шу кўринишдаги алдовлар тузоғига илиниб қолишнинг олдини олиш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида жорий этилган «Ишонч телефонилари»га 2011 йилнинг январ ойида фуқаролардан кўплаб мурожаатлар қабул қилинди. Бу мудҳиш жиноятдан жабр чекқан ва ёрдам сўраб қўнғироқ қилаётганлардан бири Умидахон исмли фуқародир. Унинг ўғли Исомиддин 2007 йилда Андижон вилоятига қариндошларини кўргани борганида, номаълум шахс томонидан Россия Федерациясига ишга юборилган. Аммо Исомиддин носоғлом ва Тошкент шаҳар руҳий-асаб касалликлар диспансерида рўйхатда турарди. Ҳозирги кунда ўғлининг Россия Федерациясида қийин аҳволда яшаётганлигини ва уни она юртига қайтаришда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган.

Яна бир мурожаат Фарғона вилоятида истиқомат қилувчи Саидахон исмли аёлдандир. Унинг сўзларига кўра, Ирода деган қўшниси Тошкент шаҳрида ўзбек аёлларини турмушга чиқиш учун Кореяга жўнатадиган фирма мавжудлигини айтган. Унинг гапига ишониб, қизи Гулмирани 2010 йилда Корея Республикаси фуқаросига турмушга берган. Лекин фарзанди ҳозир жуда ёмон аҳволдалигини, ҳомиладорлигини, Корея фуқароси қизини уриб, қийнаб, моддий таъминот бермаётганини айтган. У қизини ватанимизга қайтаришда амалий ёрдам беришимизни сўради.

Шунингдек, «Ишонч телефонлари»га Қашқадарё вилоятида истиқомат қилувчи Хайрулло исмли шахс ҳам қўнғироқ қилган. У Тошкент шаҳрида жойлашган хусусий фирма орқали Болгария давлатига ишга юборилаётганлиги, шунинг учун ушбу фирманинг давлат тарафидан рухсатномаси борлиги ва қонунийлигини текшириб беришни сўраган.

«Ишонч телефонлари»га мурожаат қилган кўплаб шахсларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари атрофлича тушунтирилди. Камситилиб, турли товламачилар тузоғига тушиб қолганлар учун жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига амалий ёрдам бериш учун расмий хатлар юборилган.

Бугунги кунда бу турдаги жиноятларнинг олдини олишда меҳнат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамжиҳатликда ишлаш талаб этилади. Айниқса, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан изчил алоқалар ўрнатиш лозим. Одам савдосининг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, бу жиноятнинг олдини олишга ҳар биримиз масъуллигимизни унутмайлик. Фуқароларимизнинг чет элларда турли оғир вазиятларга тушиб қолмаслиги учун, энг аввало, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент, Нукус, Фарғона, Қарши ва Бухоро минтақавий бюроларига мурожаат этишлари лозим. Улар Россияда меҳнат қилиш тартиб-қоидалари тўғрисида ўзларини қизиқтирган барча саволларга агентликнинг «Ишонч телефонлари» (8 (371) 214-54-36, 214-30-76) орқали батафсил маълумот олишлари мумкин.

Одам савдоси инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган уюшган жиноятчилик кўринишларидан биридир. Унга қарши курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу ҳар биримиздан доимий огоҳлик ва ҳушёрликни, мудҳиш иллатга қарши курашишда ҳамжиҳатликни талаб қилади.

Ўзбекистон Ташқи
меҳнат миграцияси
масалалари агентлиги

«POYTAXT AUKSION» ДУК 2011 йил 17 март куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда жойлашган, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг 1995й.и\ч, д\р 10AX584, бошланғич нархи 854 800 сўм бўлган «ГАЗ-31029»; 2004й.и\ч, д\р 10BB320, бошланғич нархи 6 428 900 сўм бўлган «Нексия»; 2005й.и\ч, д\р 10BB836, бошланғич нархи 4 070 900 сўм; 2000й.и\ч, д\р 10AO432, бошланғич нархи 3 729 500 сўм; 2003й.и\ч, д\р 10AU251, бошланғич нархи 3 729 500 сўм бўлган жами 3та «Дамас» русумли автотранспорт воситалари ҳамда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Орифов кўчаси, 8-уйда жойлашган, «Марказий Аэрогеодезия Корхонаси» балансидаги 1989й.и\ч, д\р 01/831OAA, бошланғич нархи 14 700 000 сўм бўлган «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли автокран қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «POYTAXT AUKSION»ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Moddiy-Texnik Ta'minot Boshqarmasi»нинг д\р 10AX510 бўлган «КС-3577» — 27 800 000 сўмга; д\р 10AX508 бўлган «КС-3577» — 26 600 000 сўмга; Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий Бошқармаси балансидаги д\р 10AC926 бўлган «Дамас» — 2 500 000 сўмга; д\р 10AF333 бўлган «ВАЗ-2110» — 2 980 000 сўмга; д\р 10AE893 бўлган «ВАЗ-21093» — 2 020 000 сўмга; д\р 10AJ754 бўлган «ВАЗ-2106» — 1 400 000 сўмга; д\р 10AC726 бўлган «ВАЗ-21061» — 1 200 000 сўмга; д\р 10AJ501 бўлган «ВАЗ-21063» — 2 890 000 сўмга; «O'zbekiston Respublikasi Prezidenti devoni Ishlar boshqarmasining qurilish birlashmasining kichik mexanizatsiya boshqarmasi» тасарруфидаги д\р 01/662XAA бўлган «ГАЗ-3102» — 2 503 000 сўмга; д\р 01/661XAA бўлган «ГАЗ-31029» — 3 300 000 сўмга; д\р 10PP544 бўлган «ГАЗ-31029» — 2 425 000 сўмга; «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАКнинг д\р 10AQ212 бўлган «Деу Магнус» — 10 900 000 сўмга; Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Республика махсус алоқа боғламаси давлат унитар корхонасининг д\р 10AQ336 бўлган «ИЖ-2715» — 905 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси автокорхонасининг д\р 10TQ736 бўлган «КамАЗ-53212» — 2 800 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Мазкур газетанинг 5 февралдаги 16-сонида чоп этилган «Poytaxt Auksion» ДУК томонидан берилган эълондаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Тошкент почтамти» филиали балансидаги 1996 йи.и/ч, «Дамас» русумли автотранспорт воситаси д/р 10AE456 деб ўқилсин.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ Бошқарувининг 15.11.2010 йилдаги 76/3-сонли қарорига асосан«O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ Нодирабегим филиалига тегишли, Тошкент шаҳар Зулфияхоним кўчаси, 8-А-уй манзилда сақланаётган «Нексия» ГБА СНГ русумли, давлат рақами 01 402 LAA бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 190 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 14 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 14 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг аукцион савдоси 2011 йилнинг 24 ва 28 март кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз:

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Андижон вилоят кенгаши АСМ ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрихон туман кенгаши раиси Сирожиддин Мадаминовга падари бузруквори

СОЛАЙДИН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгашининг молия бўлими мудири Қурбонали Йўлдошевга онаси

ОМИНА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

АСМ ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Пахтачи туман кенгашининг собиқ раиси

Фотима ТЎХТАПЎЛАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси вилоят ва Тошкент шаҳар кенгаши жамоалари Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали «Меҳнат иқтисодиёти ва бошқаруви» кафедраси мудири, профессор Б.А.Умрзоқовга отаси

Абдуҳамид УМРЗОҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа» кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, академик Саид Шермуҳамедовга сингляси

Нигора ШЕРМУҲАМЕДОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилояти вакиллиги тармоқ касаба уюшмаси Бойсун тумани вакили Панжи Худойшукуровга акаси

Бўри ТЎХТАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2011-yil 15-fevral № 20 (2901)

Бобур ғазалига мухаммас

Кел, эй дилбар, макон айла менинг кўнглум сенга маъман,
Ва лек мен мажнуни кавдан, сен эрсанг маҳлиқо, якфан,
Энгинг ол, кирпигинг ўқ, тишларинг дур, сочларинг тавсан,
Қаду хаттинг била кўзу юзунг, эй сарви сийминтан,
Бири сарву бири райҳон, бири наргис, бири гулшан.

Жаҳон аҳли ҳавас қилган камолингдин эрур ҳар дам,
Ки янги икки ой икки ҳилолингдин эрур ҳар дам,
Гаҳи ширин, гаҳи нозик саволингдин эрур ҳар дам,
Ҳадису лаълу рафтору жамолингдин эрур ҳар дам,
Тилим гўё, сўзим рангин, кўнгул хуррам, кўзум равшан.

Тузалмас ишқ дарди, дейдилар, ҳеч бир даво бирла,
Висолни рад этибдур ёр менингдек мубтало бирла,
Не тонгким, ҳамнишин ўлмас ғаний аҳли гадо бирла,
Мени мадҳуши мискин, найлай ул шўхи бало бирла,
Мен асру бедилу беҳуд, ул асру пурдилу пурфан.

Гўзал ёрнинг ибосидин, ул ағёр муддаосидин,
Риё аҳли жазосидин, ғанимларнинг сафосидин,
Дарду ишқ ибтилосидин, даҳри дун можаросидин,
Фалак жавру жафосидин, ул ой дарду балосидин,
Чекармен нолау афғон, қилурмен гиряу шеван.

Ҳажр саҳросида кездим маломатда, маломатда,
Висол умидида озор чекармен фасли фурқатда,
Не бағри тошки қолдурди мени мундоғ мусибатда,
Балои ишқу ёлғузлуқдаги ҳижрону ғурбатда,
Отим Мажнун, кишим меҳнат, ишим зори, ерим гулхан.

Ул ой ром айлади кўнглумни, Мирзо, мисли соҳирдек,
Этиб занжирбанд сўнгра ситам кўргузди жобирдек,
Чидармен барчасига тоқатим етгунча собирдек,
Ўқунг бирла хаёлинг, дардингу меҳрингга Бобурдек,
Таним манзил, кўзум маскан, кўкус маъво, кўнгил махзан.

Мирза ҚАЙНАРОВ,
Сирдарё вилояти, Сардоба тумани,
касаба уюшма фахрийси

Адабиёт байрами



Ҳар йили 14 февралда улуғ шоир таваллуди муносабати билан ўрта ва олий таълим даргоҳларида маърифат кечалари ўтказилади. Бу йилдан бошлаб ушбу санада Тошкент шаҳридаги барча мактабларда адабиёт байрамини ташкил этиш анъанаси йўлга қўйилди. Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда ўтказилган тадбир бунга бир мисол бўлиб, унга эл севган санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар ҳамда ота-оналар таклиф этилди.

— Бобур маърифат, эзгулик ва мардлик, ватанпарварлик дарғаси. Шу боис «Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма», дейди шоир. Унинг ижоди, тажриба саноқлари бугун ҳам ёшларни маънавий юксакликка кўтаришда муҳим аҳамият касб этади, — деди тил ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Ижодкор ўқитувчи» республика танлови ғолиби Шоира Раупова. — Бугунги байрам кечаси ҳам ёш авлодни Ватанга муҳаббат, улуғ аждодларга ҳурмат руҳида улғайтиришдек эзгу мақсадга қаратилган.

Кечада шоир ғазалларидан намуналар ўқилиб, мумтоз наволар ижро этилди. Юқори синф ўқувчилари томонидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асари асосида тайёрланган саҳна кўриниши барчага манзур бўлди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимиз даҳолик закосини дунёга танитган ёрқин шахсдир. Унинг илмий-адабий мероси маънавиятимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, айниқса, «Бобурнома» миллатимизнинг ўзига хос мардлик, жасорат ва юксак маънавияти қомуси ҳисобланади. Асар қаҳрамони — 12 ёшда тахтга чиққан ўспирин шаҳзоданинг кечмиш ва кечирмишлари ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Шу маънода ўтмиш тарихи, адабиёти, илм-фани ва маънавиятини теран англаш учун «Бобурнома»ни ўқиб-ўрганиш шарт.

«Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма», деб эди Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Ўқувчи-ёшлар беллашди

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги «Олимпия умидлари» спорт мажмуида гимнастрада мусобақалари бўлиб ўтди.

Сирғали тумани ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, туман маданият ва спорт ишлари ҳамда халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган мусобақадан мақсад ёш авлодни спортга янада кенг жалб этиш ва соғлом турмуш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Унда 10-16 ёшдаги ўғил-қизлар 9 жамоа таркибида ўзаро беллашди.

Сирғали саноат касб-ҳунар коллежи жамоаси — биринчи, Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари — иккинчи, 264-мактаб вакиллари учинчи ўринни қўлга киритди.



Аъло АБДУРАЗЗОҚОВ (ЎзА) олган сурат

Мини футбол

Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига кирувчи акциядор компаниялар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда катта ёшдаги ходимларидан ташкил топган терма жамоалар ўртасида мини футбол бўйича Республика мусобақалари бўлиб ўтди.

Майдонда алоқа ходимлари

Беллашувларда барча вилоятлар, АТ Алоқабанк ва Тошкент шаҳрининг жамоалари иштирок этдилар.

Уч кун давомида томошабинлар бир-биридан қизиқарли ва муросасиз ўйинларнинг гувоҳига айланишди. Мусобақанинг биринчи куни жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда гуруҳдан чиқиш учун баҳсларга киришдилар. Иккинчи куни эса ҳар бир гуруҳдан иккитадан, биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган жамоалар мусобақани давом эттиришди. Учинчи кун Наманган ва Самарқанд жамоалари учинчи ўрин учун майдонга тушишди, ҳисоб - 4:0.

Биринчи ўрин учун баҳсларга киришган Тошкент ва АТ Алоқабанк жамоалари ўртасидаги баҳслар янада кескин кўриниш олди. Мусобақа ҳакамининг ўйинни якунловчи ҳуштаги янграган пайтда ҳисоб 6:2 эди, пойтахтликлар фойдасига.

— Бу йилги мусобақаларимиз ҳар қачонгидан яхши ўтди. Бу сафар барча жамоалар ҳам пухта тайёргарлик кўрганликларини амалда намойиш этишди, — дейди мусобақа бош котиби Суннат Абдуғаниев.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

«Хўжакент»га ҳар фасл гаштли

Мафтункор ўлкамизда жойлашган дам олиш масканлари орасида «Хўжакент» пансионати алоҳида ўрин тутади.

Пансионат Бўстонлиқ туманидаги Угом-Чотқол давлат миллий боғи қўриқхонаси ва Хўжакент ўрмон хўжалиги ҳудудида денгиз сатҳидан 700 метр баландликда жойлашган.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан бу ерда дам олувчилар учун барча қулайликлар яратилган. 2005 йилда пансионатнинг барча хоналари замонавий ва шарқона миллий меъморчилик усулида мукаммал таъмирдан чиқарилиб, юмшоқ мебеллар, гиламлар, ёритгичлар билан жиҳозланди. «Люкс» хоналарга, коридорларга телевизорлар, ҳаво алмаштиргичлар қўйилди. Бу ишларга 8 млрд. 337 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ўтган йили тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 5 млн. сўм ажратилиб, хоналар янада кўркам қиёфага кирди. Шунингдек, компания томонидан иситиш тармоқлари катта маблағ эвазига бутунлай янгиланиб, учта қозонхона ўрнатилди. Натижада, иситиш сифати ошиб, иссиқ сув таъминоти узлуксиз йўлга қўйилди. Ёзги очиқ чўмилиш ҳавзасида болалар ва ўсмирлар учун мослаштирилган иккита алоҳида бассейн мавжуд.

Яратилган қулай шароитлар туфайли бу ерга келувчилар сони ортмоқда. Мисол учун, пансионат илк бор замонавий кўриниш олган 2005 йилда 1140 нафар дам олувчи келган бўлса, 2006 йилда 2400, 2007 йил – 3350, 2008 йил – 4100, 2009 йил – 5200, 2010 йилда эса 5750 нафар киши дам олди. Ўтган йили бу ерда дам олганларнинг 3100 нафарини темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил этди. Дарвоқе, сўнгги пайтда хорижий меҳмонлар ҳам ҳордиқ чиқариш учун бу ерга ташриф буюришмоқда.

— Пансионатимизда бир вақтнинг ўзида 240 кишини дам олдириш имконияти мавжуд, — дейди пансионат директори Адҳам Тураббоев. — Ёзги мавсум бошлангунча мижозларимизга дам олиш кунлари хизмат кўрсатамиз. Мавсум сентябр ойи охиригача давом этиб, шу даврда беш, ўн кунлик йўлланмалар билан келганлар қабул қилинади. Дам олувчилар бир ёки икки кишилик шинам хоналарга жойлаштирилади. Масканда бильярдхона, теннис ўйингоҳи, чойхона, бар, компьютер ва тренажер хоналари, кутубхона, ёпиқ спорт зали, 230 ўринли замонавий кинозал мавжуд.

Республика бўйича турли соҳа ходимлари ўртасида мусобақа ва спартакиадаларни ўтказиш яхши анъанага айланмоқда. Бунга агросаноат мажмуи, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари томонидан ўтказилган мусобақаларни мисол келтириш мумкин.

Дам олувчилар бу ерда зерикиш нималигини билишмайди. Улар тажрибали экскурсоводлар ҳамроҳлигида Ғарбий Тян-Шан тоғлари орасида жойлашган ва 2 миллиард куб метр сув сиғимига эга Чорвоқ сув омборига, «Пирамида» дам олиш масканига, «Чимён» ва «Белдирсой» тоғ-арқон йўлларига, «Бармоқсифат қоя», «Қуруқсой», «Булоқсув», «Қизилсой шаршараси» каби хушманзара жойларга, «Хумсон» санаторийсига саёҳатга олиб борилади.

Бош ошпаз Фурқат Халилов ва унинг ёрдамчилари Зуҳра Каримова, Шерзод Эрназаров , хўжалик бекаси Зулхумор Ҳасанова, хизматчилар Солиҳа Баратова, Райгул Расулова, Зуҳра Абдуллаева, Гулбаҳор Ҳасанова, Роза Исманова, Тоҳир Тожибоев, Бекмирза Бегметов ҳам дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига ҳисса қўшмоқда.

Адҳам ДАМИНОВ.

Суратларда: пансионат ҳаётидан лавҳалар.

Орамиздаги одамлар

Фидойи, изланувчан, бағрикенг

Ногирон болалар билан ишлашга ҳар ким ҳам юрак ютиб қўл урмайди. Чунки уларнинг кўнгли гулдан-да нозик. Астойдил меҳр кўрсатсангизгина ҳеч кимга, ҳатто ота-онасига айтмаган сирларини, дардларини сизга тўкиб солади. Юнусобод туманининг Фирдавсий маҳалласида яшовчи Дилобар Умарова кўп йилдан буён ана шу савобли, айни пайтда ниҳоятда машаққатли юмушни уддалаб келмоқда.

Оддий уй бекаси бўлган Д.Умарована бу иш билан шуғулланишга нима мажбур этди? Бу саволга у шундай жавоб беради:

— Кўп йиллар фарзанд кўрмадим. Ўша йиллардаги изтиробларимни эсласам... Оллоҳ менга агар фарзанд берса, умримни фақат савобли ишларга бағишлайман, деб ўзимга сўз берганман. Бундан ташқари, халқимизнинг суюкли актёри Жумадилла Раметовнинг кар-соқовлар учун яратган спектакллари мени шу даражада таъсирлантирдики, хуллас, мен жуда қаттиқ ишлашим керак, деган хулосага келдим.

У ёшлигидан ҳунарга иштиёқманд эди. Паркент туманининг Заркент қишлоғидаги С.Айний номли 14-мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ тикишбичиш билан шуғулланарди. Кейинчалик ана шу қизиқиш сабабли Тошкент шаҳридаги 9-касб-ҳунар техникумида тикувчилик бўйича ўқиди. Ўқишни тугатиб, ишлаб чиқариш корхоналарида ишлади. 2004 йилда эса бисер тикиш сирларини эгаллади.

Ниҳоят дилига туккан ниятини амалга ошириш имкони туғилди. У маҳаллада ногирон ҳамда кам таъминланган оиладаги болаларга ўз ҳисобидан бисердан турли хилдаги буюмлар тикишни ўргата бошлади. 2010 йилдан эса Юнусобод тумани ногиронлар жамиятига аъзо ногирон хотин-қизларга ҳам матога бисер тикиш йўли билан ясаладиган турли хил эсдалик ва ёдгорлик буюмларини тайёрлаш бўйича сабоқ бермоқда. Ўтган йили «Ғранд мир», «Дидеман» меҳмонхоналари, Ўзбекистон давлат консерваторияси биноси, «Зарафшон» ресторани залида, «Иттифоқ» маҳалласида улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмалари ўтказилиб, унда хориждан келиб ишлаётган ишбилармон ҳамда элчихона вакиллари ҳам қатнашдилар. Кўргазмаларда намойиш этилган зардевор, жойнамоз, Қуръони карим ва ҳадис китоблари учун жилдлар, чойнаклар учун ёпқич, ёшлар учун спорт сумкалари, уяли телефонлар учун ғилофлар, пардоз анжомлари солиш учун сумкалар ва бошқа турдаги маҳсулотларга харидорлар қизиқишини кўриб, болаларнинг қувончига қувонч қўшилди.

— Турмуш синовларига дуч келганда, сиқилмаслик керак, — дейди Д.Умарова. — Аксинча, уни мардона енгиб ўтиш ҳақида ўйлаш, бу йўлда жиддий ҳаракат қилиш талаб этилади.

Дилобар ширин сўзи билан ҳар бир болаларнинг кўнглига кириб боришга интилади. Уларнинг озгина яхши томонини мақтаб, инжиқликларини юмшатиш пайида бўлади. Бунинг учун эса инсонда мустаҳкам асаб ва машаққатларга чидам бўлиши керак. У кишининг фаолиятини кузатиб, улуғ донишманд Демокритнинг «Мардлик қаршисида тақдир зарбалари чўт эмас», деган сўзлари ёдимга тушди.

Фирдавсий маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Хатминисо Усмонова:

— Дилобар Умаровадек маҳалладошимиз борлигидан фахрланамиз. Унинг жонфидо, савобталаб, зукко ва интилувчанлиги барчага ибратдир.

«Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган сўзларни шиор қилиб олган Дилобарнинг орзулари бир олам. У ҳунар ўргатишга мўлжалланган, камида юз ўринли Республика миқёсидаги «Ногирон болалар маркази»ни очиш ниятида. Марказда ўқитишни йўлга қўйиш билан бирга, қатнаш имконияти бўлмаган ногирон болаларнинг уйига бориб ҳунар ўргатиш, буларнинг ҳаммасини тўкин амалга оширишни режалаштирган. Шу билан бирга, болалар тайёрлаган маҳсулотлар билан чет давлатлардаги кўргазмаларда қатнашиш энг катта орзуларидан.

Д.Умарова оилада ҳам сариштали уй бекаси. Шу билан бирга, форс, инглиз, рус тилларини яхши ўзлаштирган. Китоб ўқиш эса севимли машғулоти. Турмуш ўртоғи Қобилжон Йўлдошев — иқтисодчи. Ўғиллари Шоҳжаҳон ва Шаҳриёр тумандаги 9-мактабда ўқийди.

Дилобар Умарованинг фидойилиги жавобсиз қолмади. Ўтган йили Аёллар кенгаши Республика жамоат бирлашмаси томонидан ўтказилган «Йил аёли» кўрик-танловида туман бўйича ғолибликка эришди. Тошкент шаҳар босқичида эса «Бағрикенг аёл» номинациясига сазовор бўлди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Insonga naf keltirish - oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To`lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-52-89
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A. Arslonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -21.30

Буюртма Г — 251

21933 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5